49 (599)
2007 йил 5 декабрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
«Африкалик тенгдошимга ачинаман...»
Тараққиёт фикрлар хилма-хиллигидир

3
Шарқ юлдузида энг фаол ким экан?
Маҳаллада муҳтарам Муҳаррам ая

4
Кўмак маркази махсус кўмак кўрсатади
«Севинч» қизлари моҳир тўпурар

ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 декабрь куни Оқсаройда Корея Республикасининг ташқи ишлар ва савдо вазири Сонг Мин Сунни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат Корея Республикаси ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари, балки Ўзбекистон—Корея муносабатлари ривожига муносиб ҳисса қўшган арбоб сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

— Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди Ислом Каримов. — Биз Корея Республикаси билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз.

Ўзбекистоннинг ушбу Субҳидам бокиралиги ўлкаси билан алоқалари ўзаро дўстлик ва ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосига қурилган. Мамлакатларимиз сиёсий соҳада икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси вакили Пан Ги Мун номзодини қўллаб-қувватлагани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг 2005 йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Президентимиз Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришни таклиф этган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойида Сеулга ташрифи асосида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланиб, ҳамкорликни янги босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Икки мамлакат парламентлари делегацияларининг мунтазам ташрифлари йўлга қўйилган. 1995 йилда Корея Республикасининг Миллий ассамблеясида Ўзбекистон билан дўстлик уюшмаси ташкил қилинган.

Ташқи ишлар вазирликлари мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келмоқда.

Иқтисодий соҳада 1992 йилдан мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганини, Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири эканини таъкидлаш жоиз. Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси бир ярим миллиард АҚШ долларидан ошади. Ўзбекистонда Корея Республикаси билан ҳамкорликда саноатнинг янги соҳаси — автомобилсозлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, қатор тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Сўнгги вақтларда ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик фаоллашмоқда. 2006 йилда Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўшма қўмитанинг биринчи мажлиси ўтказилиб, бу борадаги алоқаларнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Мамлакатимизда Корея Республикаси сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 138 қўшма корхона, ушбу давлатнинг 37 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон—Корея ва Корея—Ўзбекистон қўмиталари бу борадаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари билан шуғулланмоқда.

2004 йилда тузилган Маданият масалалари бўйича икки томонлама қўмита гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкентда «Ўзбекистон—Корея» дўстлик жамияти, Корея таълим маркази, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Самарқанд Давлат чет тиллари институтида корейс тили ва маданияти марказлари очилган. Икки мамлакатда ҳам миллий маданият кунлари мунтазам ўтказиб келинади, кинофестиваллар, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари, мусиқа ва рақс ансамбларининг гастроллари ташкил қилинади.

Сонг Мин Сун самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳаларда изчил ривожлантириб бориш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 4 декабрь куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 13-Хоразм округ сайлов комиссияси раиси Р.Эшчонов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни узлуксиз давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Иқтисодиётимиз ва халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мунтазам ошириб борилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, халқ фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга доир стратегик вазифалар изчил амалга оширилаётганининг амалий натижаларидир.

Ислом Каримов Хоразм жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган тараққиёт бешикларидан бири эканини таъкидлади. Бу ерда ўн аср муқаддам ташкил этилган Маъмун академияси Шарқнинг энг йирик илм-маърифат масканларидан биридир. Хоразм воҳасидан етишиб чиққан Абу Мусо ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди сингари буюк боболаримиз билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади. Уларнинг ворислари бугунги кунда илм-фан, таълим, спорт ва бошқа кўплаб соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётир.

Учрашувда сўзга чиққан Хоразм амалий ва бадиий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч ўймакори Ҳаитмуҳаммад Боғбеков, "Туямўйин-Урганч" сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси эколог-муҳандиси Шавкат Эшматов, сержантлар тайёрлаш мактаби курсанти Азимбой Иброҳимов, ЎзЛиДеП Қўшкўпир тумани кенгаши раиси ўринбосари Дурдона Қобулова ва бошқалар ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган буюк ва бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби масалаларни амалга оширишда муҳим кафолат бўлишини қайд этдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декбрда бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

В.ЛУҚМОНОВ,
Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ СУРХОНДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 4 декабрь куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси Р. Ашуров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Ҳ. Эрматов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда мустақиллик йилларида республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар салмоқли натижаларни бераётгани қайд этилган. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, халқ фаровонлиги юксалмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилиб, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдори муттасил ошиб бормоқда. Коммунал хизмат, экологик мувозанатни таъминлаш ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Рустамов нутқ сўзлади.

Тадбирда сўзга чиққан Термиз туманидаги "Янгиариқ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олмахон Бердимуродова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қизириқ туман кенгаши раиси Жўрақул Нормўминов, Термиз шаҳридаги "Тез тиббий ёрдам" станцияси бош врачи Зоя Нурова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик асосида, ошкора ўтаётгани ҳамда халқаро нормаларга тўла мос келишини алоҳида таъкидлаб, сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг куни

ҲУҚУҚИМИЗ — ДАХЛСИЗ!

"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан.

Давлатимизнинг Бош Қомусида мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларни демократия тошу тарозисида ўлчаб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёдаги энг демократик конституциялардан биридир. Зеро демократия тушунчаси айнан Конституция ҳамда қонунлар доирасида инсон ва фуқароларнинг эркин яшашини англатади.

Бинобарин, Конституциямизда инсон ва фуқароларнинг энг устувор ҳуқуқларидан бири — яшаш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ҳатто умумэътироф этган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам инсоннинг яшаш ҳуқуқи устувор ҳуқуқ сифатида тан олинади. Хусусан, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро Пактнинг 6-моддаси 1-бандида "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди", деб кўрсатилган.

Президентимиз И.Каримов 2005 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш эканлигини таъкидлаб, жумладан шундай деган эди: "Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда".

Давоми 2-саҳифада

Қорақалпоғистон Республикаси

САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН РИСОЛАЛАР

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида Марказий сайлов комиссияси томонидан "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи кўмагида ўзбек ва рус тилларида миллий сайлов қонунчилигига бағишланган 11 та рисола чоп этилди. Ушбу рисолалар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга хизмат қилади.

Мазкур рисолаларни тайёрлашга таниқли ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари жалб қилинди. Рисолаларнинг ҳар бири Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг алоҳида жиҳатларини очиб беради. Масалан, рисолаларда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг батафсил шарҳи берилган, мамлакатимизда амал қилаётган сайлов ҳуқуқининг асосий нормалари, ушбу соҳадаги миллий қонунчилигимизнинг халқаро стандартлар нуқтаи назаридан ўзига хос хусусиятлари, Президент сайловида иштирок этаётган сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампанияси жараёнидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилган.

Муҳими, рисолалардаги барча маълумотлар аниқ ва тушунарли тарзда баён қилинган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги асосий тушунчалар", "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови: саволлар ва жавоблар", "Сайлов ҳуқуқига оид изоҳли луғат", "Сайлов қонунчилиги: 100 саволга 100 жавоб" каби рисолалар бевосита қонунчилик меъёрларини тушунтиришга бағишланган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан барча участка ва округ сайлов комиссиялари ушбу рисолалар билан тўла таъминланди.

(ЎзА)

Сарҳисоб

ҲИСОБОТДА — 5 ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

Нукус шаҳрида "Маҳалла" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг беш йиллик фаолияти сарҳисобига бағишланган ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар, хусусан, ҳудудда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини изчил равишда моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди. Жумладан, Қорақалпоғистон овул ва маҳаллаларида фахрийлар, ногиронлар, ёлғиз қариялардан 7694 нафарига ижтимоий, 10 минг нафарига тиббий, 1459 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож фуқароларга амалий ёрдамлар кўрсатилгани бу йўналишдаги эзгу ишларнинг кўлами нақадар кенглигидан далолат беради.

Бинобарин, жорий Ижтимоий ҳимоя йилида аҳолининг кам таъминланган қатлами ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида муҳтожларга беминнат кўмак кўрсатадиган ҳомийлар сафи кенгайди.

Маълумки, Қорақалпоғистон Оролбўйи минтақасида жойлашган. Шу боис, бу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли, хусусан, болалар ва оналар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида спортнинг ўрни беқиёс. Бу борада эса, жамғарма бўлимининг зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Таъкидлаш жоизки, ўтган беш йил давомида маҳаллаларда аёллар ва болалар спортини ривожлантириш йўлида олиб борилган ишлар ўз самарасини бериб, маҳалла спортчилари кўпгина турнир ва мусобақаларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишди.

Ҳисобот чоғида ободонлаштириш, бунёдкорлик ва хайрия тадбирлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг инфратузилмасини шакллантириш ҳамда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш мақсадида бўлим томонидан бажарилган ишлар муҳокама этилди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими фаолияти тўғрисида маруза қилган бўлим раиси вазифасини бажарувчи Арувхон Келимбетова шулар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, анжуманда тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди.

Конференцияда бошқарув кенгаши ҳайъати ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланиб, жамғарманинг Тўрткўл тумани бўлинмаси раиси бўлиб ишлаб келган Нуриддин Айитов бўлим бошқаруви раиси этиб сайланди.

Йиғилишда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари С.Ҳасанов иштирок этди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla
Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти
Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62
«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.
Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасидан.

ҲУҚУҚИМИЗ — ДАХЛСИЗ!

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2005 йил 1 августда "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. (Ушбу Фармон 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради). 2007 йил 11 июлда "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий давомидир. Унга кўра, ўлим жазоси умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди. Яъни, аниқроқ қилиб айтганда, узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланди ва бундай жазо фақат икки турдаги жиноят учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда — қасддан одам ўлдириш ва терроризм (157-модданинг учинчи қисми) учун тайинланади. Бундай жазо аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан тайинланмайди. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир. Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин эмас.

Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахслар жазо муддатидан илгари шартли озод қилинмайди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 76-моддаси учинчи қисмига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкинлиги тўғрисида қайд этилган.

Албатта, яшаш ҳуқуқи олий қадрият бўлиб, ҳар бир киши ёши, жисмоний кучи, соғлиғидан қатъи назар унга эга бўлиши керак. Ҳаттоки, шифокорларга, беморларнинг илтимоси билан ҳам, ўлимни тезлаштириш қандай йўллар билан бўлмасин тақиқланади.

Конституциямизнинг "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланган иккинчи бўлимида инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, уларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч кимнинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қиммати камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, ҳар кимнинг ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланади. Қолаверса, ҳар қандай давлат органининг, ҳар қандай мансабдор шахснинг фаолияти инсон манфаатларига бўйсундирилади.

Конституциямизнинг 19-моддасида **"Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас"**, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш суд органларининг устувор вазифаларидан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани ва бу борада қатор амалий ишларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани таҳсинга сазовордир.

Г.ПИРЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси.

ҚОМУСИМИЗ — ҒУРУРИМИЗ

Адолатга чўзиб қўлни,
Ёруғ этар қонун йўлни,
Белгилайди ўнгу сўлни,
Конституция — олий низом.

Оқилликнинг йўриғидан,
Соҳибқирон тузигидан,
Яралгандир ўгитидан,
Конституция — олий низом.

Қомусимиз — ғуруримиз,
Ҳам бахтимиз, суруримиз,
Зиё сочар ҳур нуримиз,
Конституция — олий низом.

Қонунларнинг устувори,
Одилликнинг пойдевори,
Эъзозлайди инсон қадрин,
Конституция — олий низом.

Озода ОМОНОВА,
талаба.

Қорақалпоғистон Республикаси

«ТАХИАТОШ»дан тиббий хизмат

сиҳатгоҳга келганлар ҳам саломатликларини мустаҳкамлайдилар, ҳам кўнгилли ҳордир чиқарадилар

"Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга".

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, IX-боб, 40-модда.

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига 15 йил тўлиши муносабати билан "Тахиатош" сиҳатгоҳида бўлиб, ҳар йили 1575 нафар меҳнат ва уруш фахрийлари саломатлигини мустаҳкамлайдиган мазкур маскан фаолияти билан яқиндан танишдик. Сиҳатгоҳда навбатдаги қабул бошланган экан.

— Ҳар бир босқичда бўлгани каби бу сафар ҳам Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларидан келган 75 нафар онахон, отахонлар сўлим, баҳаво оромгоҳимизда кўнгилли дам олишди, соғлиғини тиклашди, — дейди сиҳатгоҳ бош шифокори Жумагул Алиева. — Жамоамизда 25 нафар шифокор ҳамшира ва 35 нафар хизматчи ходим ишлайди. Фаолиятимиз учун зарур замонавий тиббий асбоб-ускуналар етарли. Сиҳатгоҳ фаолият бошлаганидан буён ўтган беш йил мобайнида ҳудуддаги энг яхши тиббий масканлардан бири сифатида танилди. Бунда ходимларимизнинг фидокорона меҳнатлари аҳамиятли бўлди. Фазилат Машарипова, Дилором Шавқумова каби ҳамшираларимиз, биринчи тоифали шифокор Комилжон Бекниёзов касбий маҳорати ва беморларга ширинсуҳанлиги билан барчага ўрнак.

Ижтимоий ҳимоя йилида ҳомийлар ёрдами билан 6,5 миллион сўмлик тиббий асбоб-анжомлар сотиб олинди. Бундан ташқари, шаҳримиздаги "Нефтебаза" унитар корхонаси, Қорақалпоғистон "Гўштсутсавдо" ташкилоти ва шаҳар ҳокимлиги томонидан жами 20 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилгани самараси ўлароқ, қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар, энг замонавий тиббий мосламалар харид қилинди. Бу ерда саломатлигини мустаҳкамлаётган қарияларга қатъий режа асосида маданий-маърифий тадбирлар, зиёратгоҳларга сафарлар уюштириш йўлга қўйилди.

— Сиҳатгоҳ ходимлари ва хизматчилари ўз ишининг фидойилари экан, — дейди "Тахиатош"да бир неча марта саломатлигини тиклаган 73 ёшли Сейилхон ота Бозорбоев. — Қўли енгил, суҳбати ширин шифокорларга катта раҳмат. Биз кексаларга шундай шароитларни яратиб қўйган давлатимиз ва Президентимизга минг ташаккур.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир ҳил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасидан.

Дўстликда дўстлик кечаси

Бош қомусимизнинг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилди

Қарийб йигирма йилдирки, мен ўзим таълим-тарбия олган Дўстлик туманидаги 13-ўрта мактабда ўқитувчилик қиляпман. Овулдошларимиз турли миллатга мансуб кишилар. Жумладан, ўзим ҳам шу заминда туғилиб вояга етган қозоқ миллатига мансуб аёлман. Биз маҳалладошларимиз билан иноқ яшаган ҳолда, тўй ва маъракаларимизни ҳам биргаликда, ҳамжиҳатликда ўтказамиз.

Ўз-ўзидан ойдинки, мен ишлаётган мактабда ўнга яқин миллат вакиллари таҳсил олади. Улар ўзбек, қозоқ ва тожик тили синфларида ўқишади. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун бу ерда ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Энг муҳими, қозоқ ва тожик гуруҳларида ўқийдиган болалар ҳамда уларнинг ўқитувчилари ҳам махсус нашр этилган дарслик ва бошқа ўқув қўлланмалари билан етарли миқдорда таъминланган.

Мактабимизда "Дўстлик клуби" доимий равишда ишлаб келмоқда. Шунингдек, Наврўз умумхалқ байрами, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ва Мустақиллик тантаналарига қизғин тайёргарлик кўриб, овулдошларимиз билан кенг миқёсда нишонлаймиз. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан мактабимизда "Асосий қонунимиз — бахтиқболимиз" мавзусида катта байрам тадбири ўтказилди. Ундан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турли миллат тилларидаги чиқишлари жой олди. Саҳна кўринишларида миллатлараро дўстлик ва биродарлик муносабатлари, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимиз ва бугунги дориломон кунларимиз мадҳ этилди. Ушбу тадбирда нафақат мактаб жамоаси, балки маҳалламизда истиқомат қиладиган кишилар ҳам иштирок этиб, ўзларининг куй-қўшиқлари билан кечага файз киритди.

Тадбир сўнгида Мевазор қишлоқ фуқаролар йиғини, ҳудудимиздаги фермер хўжаликлари ҳамда саховатпеша тадбиркорлар томонидан дастурхон ёзилиб, ўқувчиларги совға-саломлар улашилди. Шунингдек, тадбирда фаол иштирок этганларга туманимиз ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Анифа МАНТЕЕВА,
ўқитувчи.

Бугунги кунга келиб, бирор мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий имкониятлари, эркинлиги, боригки, давлатнинг қай даражада ҳуқуқий барқарорлигини аниқлаш учун биринчи навбатда унинг Конституциясига назар ташлаймиз. Демак, Конституция ҳар бир давлатнинг асосий Қонуни ўлароқ жамиятдаги барча ислоҳотларнинг пойдеворини ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, энг аввало, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига устувор мақсад қилиб қўйди.

Инсон қадри — олий қадрият

Ҳуқуқий давлат деганда шуни тушуниш керакки, унда ҳокимиятнинг барча органлари халқ иродасини ифодалайдиган Қонунгагина бўйсунади. Конституция доирасида эса инсон манфаатлари, унинг орзу-истаклари, ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги мустаҳкамлаб қўйилган, қолаверса, ҳуқуқий-демократик давлатнинг асослари аниқ-равшан ўз ифодасини топганлиги диққатга сазовордир.

Бош қомусимизнинг ҳар бир боби, ҳар бир моддаси мустақиллик ғоялари билан йўғрилган бўлиб, дунёнинг энг илғор давлатлари Конституциявий амалиёти билан айнан мос келади. Дарҳақиқат, Конституция келажаги порлоқ юртимиз, бунёдкор ва ватанпарвар халқимиз манфаатлари йўлида хизмат қилмоқда. Жумладан, унинг 13-моддасида шундай дейилади:

"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Албатта, қонун устуворлиги мавжуд бўлган жамиятда давлат ҳам, халқ ҳам бирдек манфаатдор. Конституцияда мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ кафолатланган. Бу ўз навбатида юртимизда инсон ҳуқуқлари ишончли тарзда кафолатланганидан, қолаверса, инсон ва унинг шаъни, қадр-қиммати энг олий қадрият сифатида Конституциянинг инсонпарварлик, адолатлилик ғоялари билан суғорилганлигидан далолатдир. Бинобарин, Конституцияда ўз аксини топган ушбу тамойиллар ўз моҳиятига кўра ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талабларини ўзида мужассам этади.

Шунингдек, биз барпо этаётган ҳуқуқий-демократик давлатнинг тамойиллари кўп миллатли халқимизнинг асрлар давомида шаклланган анъана ва урф-одатлари, бой маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган бўлиб, давлат ва халқ манфаатларининг уйғунлигидан далолат беради. Хусусан, Конституциянинг 49-моддасида шундай дейилади:

"Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир".

Президентимиз И.Каримов айтганидек, халқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар бугунги кунда янада ёрқин намоён бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Конституцияда инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан устун қўйилгани юқоридаги фикрлар тасдиғидир. Зеро, Конституциянинг бош мақсади ҳам инсон манфаатларига қаратилган.

Ҳ.АЗИМОВ,
тарих фанлари номзоди.

Қудратли ҳимоя

У ҳар бир юртдошимизнинг эркин яшаш, меҳнат қилиш, билим олиш каби ҳуқуқларини кафолатлайди

Бир қараганда, ҳаётимиздаги, жамиятимиздаги турли жараёнлар ўз-ўзидан амалга ошаётгандек туюлади. Аммо астойдил, синчков назар билан қаралса, табиатни ҳам, жамиятни ҳам қонунлар бошқаради. Қайси жойда қонунлар мустаҳкам асосга эга бўлса, ўша жойда яшаш, ўқиш, меҳнат қилиш учун соғлом муҳит юзага келади.

Биз — ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясини юртимизнинг ҳар бир фуқаросига яшаш, билим олиш, меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратаётган ана шу соғлом муҳитнинг асосий омили, деб биламиз. Конституциямизнинг IX боб 41-моддасида: **"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.**

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади", деб белгилаб қўйилган. Дунёда юзлаб мамлакатлар борки, уларнинг қанчақанчасида болалар, аёллар саводсизликдан изтироб чекади, тўлақонли яшаш, фаолият юритиш имкониятидан маҳрум. Саводсиз одам юраётган йўли, бораётган манзилини аниқ тасаввур қила олмайди. Саводсизлик жаҳолатга етаклайди, деган экан қадимда бир донишманд. Ойнаи жаҳон орқали Жанубий Африка мамлакатлари ҳаёти ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилганди. Бу фильм менда унутилмас таассурот қолдирди. Бир занжи аёл ўз фарзандининг ўқиб билим олишини жуда-жуда истайди. Қишлоғидаги бир бадавлат киши ҳузурига шундай илтимос билан боради:

— Ўғлимни шаҳарга олиб кетиб ўқитинг, эвазига нима иш буюрсангиз бажараман...

Бадавлат киши:

— Агар ўзинг бир умр оиламга қулдай хизмат қилсанг, ўғлингни ўқитганим бўлсин, — дея шарт қўяди.

Аёл бу шартга рози бўлади, ўғлини шаҳарга жўнатади. Пулдор киши эса сўзининг устидан чиқмайди — ёш йигитчани шаҳарлик танишларига пинҳона сотиб юборади. Бечора аёл узоқ йиллар "Болам ўқиб келиб, мени қутқаради", деган орзу билан яшайди, оғир меҳнат юкидан умри завол бўлади. Қул қилиб сотилган ўсмирга эса "Онанг ўқишга борасан, дея алдаган. Аслида у сени мўмайгина пулга сотиб юборган" дейдилар. Қуллик жонига теккан йигит ўз жонига қасд қилади. Манфаатлари қонунлар билан ҳимояланмаган муштипар аёл ва навқирон йигитнинг тақдири аянчли якун топади, орзулари барбод бўлади.

Бизда эса истиқлол шарофати билан бугун юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий, муҳташам ўқув даргоҳлари қурилмоқда. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар самарасида ёшларнинг билим олиши, ўқиб-изланиши учун барча шароитлар муҳайё этилмоқда.

Конституциянинг 42-моддасида **"Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади"**, деб белгилаб қўйилган.

Ёшлар, ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган "Янги авлод", "Келажак овози" каби ва турли йўналишлардаги бошқа ўнлаб кўрик-танловлар ташкил этилмоқдаки, бу тадбирлар минглаб иқтидорли ёшларни кашф этмоқда, бўлажак санъаткорлар, спортчилар, шоиру адибларни фаолият майдонига олиб чиқмоқда.

Ҳа, қонунни билган, унга амал қилган инсонни: "Эртага тақдирим нима бўлади?" деган савол қийнамайди. Чунки мустақил юрт фуқароларининг бугуни каби эртаси ҳам адолатли қонунлар ҳимоясидадир.



Сардор МУСАЕВ,
талаба.

Индонезия ороллари ва Австралия ҳудудидаги ер силкинишлари ва самолёт ҳалокатлари ҳақида

Бўлинма фаолиятидан

Ғаллаороллик ташаббускорлар

— Бир юз ўттиз минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган туманимизнинг тараққий этишида саноатнинг ўрни катта, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Ғаллаорол тумани бўлинмаси раиси Саид Файзуллаев. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман бўйича ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотда саноатнинг салмоғи 18 фоизни ташкил этди ва қарийб 80 фоиз маҳсулот нодавлат секторлар орқали ишлаб чиқарилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари туман иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди. Жумладан, ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 61 фоизи шу сектор улушига тўғри келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туманда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида бажарилаётган ишлар кўлами кенг. Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 116 нафар ёрдамга муҳтож фуқароларга жамғарма ҳисобидан 2,5 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Ҳомийлар ва ҳомий ташкилотлар маблағи ҳисобидан эса 38 та ёш оиланинг никоҳ, 76 нафар болакайнинг хатна тўйлари ўтказиб берилди. 42 нафар ёлғиз кексалар ва ногиронларнинг уйлари таъмирланиб, яшаш шароити яхшиланди. 71 нафар беморга дори-дармонлар бепул тарқатилиб, 300 нафардан зиёдроқ қария ва ногиронларнинг махсус сиҳатгоҳларда даволаниши учун имкониятлар яратилди.

Ғаллаорол тумани буюк бобокалонларимиз ҳокини бағрида асраётган макондир. Саъд Ваққос қадамжоси ана шундай муқаддас даргоҳлардан бири. Ҳозирда авлиёнинг рамзий қабри жойлашган зиёратгоҳ атрофи ободонлаштирилиб, хилхона ва бинолар қайта реконструкция қилинди. Мажмуа имомининг таъкидлашича, бу ерга шу йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимиз ва хориждан 700 минг нафардан ортиқ зиёратчилар келиб кетишган. Улар учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Зиёратгоҳни ободонлаштиришда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг ҳам муносиб улуши бор.

Ободонлаштириш йўлида бир тажриба...

Мулкуш қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Муллабулоқ маҳалласи Мулкуш канали ва булоқ сувларидан баҳраманд бўлмоқда. Бу аҳоли қўрғонида яшовчи фуқаролар деҳқончилик ва боғдорчиликнинг сиру синоатларини яхши билади. Шу боисдан бу ерда энг сархил мевалар, асил узумлар, сара полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Бу борада Мулкуш ва Тепамулкуш маҳаллалари аҳолиси ҳам муллабулоқликлардан қолишмайди. Соҳибкорлар жорий йилда ўз томорқаларида етиштирган 70 тонна узум, 120 тонна мева, 1000 тонна атрофида сабзавот ва полиз маҳсулотларини Ғаллаорол ва Жиззах шаҳри бозорларига чиқариб сотиб, даромад олишди.

Ҳудуддаги фермер хўжаликлари ҳисобидан қишлоқда ободончилик ишлари учун катта миқдорда маблағ ажратилиб, ички йўллар тартибга келтирилди, 55-умумтаълим мактаби биноси жорий таъмирдан чиқарилди, қишлоқ врачлик пункти ва фуқаролар йиғини идорасидаги иситиш тармоқлари капитал таъмирланди.

— Бизда ободонлаштириш тадбирларининг бош масала қилиб қўйилиши бежиз эмас, — дейди Мулкуш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эрназар Давирбоев. — Қишлоқ меҳнаткашлари унумли ер ва етарли миқдорда оқар сувдан фойдаланишмоқда. Ўйлаб қарасак, биз шу даврга

Бутунлай янги қиёфа касб этган Саъд Ваққос қадамжосининг кўриниши.

қадар улардан самарали фойдаланмай келаётган эканмиз. Давлат муассасалари ва бир нечта ҳовли, айрим дала шийпонлари атрофи обод бўлгани ҳолда ҳовли-жойларимиз тартибсиз сақланарди. Фуқаролар йиғинида оқсоқоллар билан кенгашиб аҳолини фаолликка чақирдик. Дастлаб ишхоналар, турар-жойлар атрофини тартибга келтириб, мевали ва манзарали дарахтлар ўтқаздик. Уйлар қайта таъмирланиб, оқланди. Йўл бўйларига гуллар экилди. Натижада, қишлоғимиз чирой оча бошлади. Энг қувонарлиси, ҳозирда туманимизнинг кўпгина маҳаллаларида бизнинг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш борасидаги тажрибаларимиз кенг оммалашяпти.

Жиззах вилояти

"АВЛИЁОТА"га газ келди

Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг саъй-ҳаракати билан туманнинг чекка ҳудудидаги қир ва адирларда тарқоқ жойлашган Чувуллоқ, Узунбулоқ ва Авлиёота аҳоли қўрғонларига 11,5 километр узунликдаги қувурлар орқали табиий газ келтирилди. Ҳозирда иккита мактаб, қишлоқ врачлик пункти ҳамда аҳолининг бир қисми табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Газлаштириш ишининг жадаллашувида аҳолининг ёрдами катта бўляпти.

Тортилган газ тармоғининг бир ўзани Авлиёота номи билан аталувчи Саъд Ваққос зиёратгоҳи ҳудудига ҳам етиб борди. Авлиёотага газ келиши муносабати билан ўтказилган йиғилишда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Муса Анорбоев сўзга чиқиб, ушбу зиёратгоҳни янада ободонлаштириш мақсадида катта миқдорда маблағ ажратилганини маълум қилди ва йиғилганларни хайрли ишда иштирок этишга чақирди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ислоҳот самараси

ДАВО ИСТАБ ДУНЁ КЕЗМАНГ!

Чунки юртимизнинг замонавий даво масканларида малакали шифокорлар мураккаб хасталикларга ҳам даво топишмоқда

Яқинда Азимбой отаси соғийиб кетгани шукронаси учун маҳалла аҳлини уйига чорлаб, дастурхон ёзди. Касалдан фориғ бўлган отахон меҳмонларга юртимизда тиббиёт соҳаси қанчалик ривожланганию шифокорларимизнинг қўли енгил, билими ўткирлигидан тўлқинланиб гапириб чарчамасди.

...Азимбой отасида ўсма борлигидан воқиф бўлгач, бироз довдираб қолди. Таниш-билишларининг маслаҳати билан отасини Москвага олиб борди. Аммо рус шифокорлари: "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шунга айтсалар керак-да! Дунё жарроҳлари орасида ном қозонган жарроҳ ўзингизда бўлиб туриб, нега бу ерга келдингиз", деб ҳайрон бўлишди. Тўғрида, олис юртда кўп вақт йўқотилади, боиси жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун навбат кутиб турган беморлар сон-саноқсиз. Қолаверса, сафар, меҳмонхона ва бошқа назарда тутилмаган харажатлар деганларидек... Азимбойга шифокорлар Онкология илмий марказининг раҳбари профессор Саримбек Наврўзов қабулига боришни маслаҳат беришди.

Тошкентга қайтган Азимбой эртасигаёқ отаси билан Саримбек Наврўзов қабулига борди. Профессор беморнинг касаллик варақалари билан танишиб чиққач, ҳамширани чақирди ва отахонни зудлик билан текширувдан ўтказиб, операцияга тайёрлашни буюрди. Жарроҳлик амалиётини профессорнинг шогирдларидан бири — тиббиёт фанлари номзоди Сулаймон Абдужабборов ўтказди. Орадан 11 кун ўтгач, бемор буткул соғайиб уйига қайтди.

Саримбек Наврўзов 2002 йилда мамлакатимиздаги энг яхши илмий раҳбар деб топилган. У 200 дан ортиқ тадқиқотлар, дарсликлар, 3 та монография муаллифи. Тиббиёт соҳасида 30 дан ортиқ кашфиётлар қилган олим 18 та номзодлик ва 2 та докторлик диссертациясига раҳбарлик қилган. Юртимизда бундай фидойи олимлар, шифокорлар кўплаб топилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад, энг аввало, аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятини оширишдир. Бунинг учун малакали кадрлар тайёрлаш, тизимни ислоҳ қилиш ва шу билан бирга фармацевтика соҳасини ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Юртбошимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва 19 ноябрдаги "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас.

Ҳа, бугунги кунда оддий касалликка шифо излаб олис юртларда саргардон бўлишга, шаҳарма-шаҳар кезишга ҳожат қолмади. Чунки барча қулайликларга ва замонавий тиббий ускуналарга эга бўлган шифохонларимизда энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам муваффақиятли ўтказилмоқда. Бу албатта, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидир.

А.БОБОХОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Олам турфа

САМОЛЁТДА ҚАЛАМУШ

Одатда каламушларни ертўлалар, ариқ-зовурлар ёки қир-адирларда учратамиз. Агар уни самолёт салонида кўрсак, қай аҳволга тушар эканмиз?

Саудия Арабистони ҳаво йўллари авиакомпаниясининг "Боинг-747" русумли самолёти йўловчилари ана шундай ҳолатнинг иштирокчиси бўлдилар.

Қоҳирадан Жиддага учиши лозим бўлган ушбу самолёт салонида каламуш юрганини пайқаган йўловчилар саросимага туша бошлашди ва шу боис самолёт учиш йўлакчагидан ортга қайтишга мажбур бўлди.

Самолёт бортидаги йўловчиларни белгиланган манзилга элтиш учун Саудия Арабистонидан бошқа самолёт чақиртирилди ва ниҳоят саккиз соатлик кечикиш билан йўловчилар Жиддага етиб олишди.

Бу орада мисрлик мутахассислар каламушни тутиш билан овора бўлдилар. "Боинг-747" салонига махсус модда билан ишлов берилди, ҳаммаёққа қопқонлар қўйилди. Натижада самолёт Қоҳирадан эртаси куни учиб кетди. 500 нафар йўловчига мўлжалланган мазкур самолёт каламушни тутиш учун кетган вақт давомида учта рейс парвозни амалга ошириши мумкин эди. Оқибатда авиакомпания 545 минг АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.

Тошкент шаҳри

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

Шайхонтоҳур туманидаги Самарқанд Дарбоза маҳалласида фаолият юритаётган «Олимп» тикув цехида моҳир чеварлар томонидан тикилган сифатли маҳсулотлар жуда харидоргир. Айни кунда «Олимп» тикувчилари Россиянинг «Лукойл» компанияси буюртмаси асосида ишламоқдалар.
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

1 кишига 100 туп дарахт

Шу кунларда Жиззах вилоятида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилмоқда. Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу хайрли тадбир уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Таъкидлаш керакки, шаҳарда бу борада намуна қилиб кўрсатса арзигулик иш олиб бораётган маҳаллалар кўп. Хусусан, Жиззахлик маҳалласида ҳар бир киши ҳисобига 98 туп дарахт, Кўтарма маҳалласида эса 78 метр квадрат дарахтзор тўғри келади. Аммо барча маҳаллаларда ҳам аҳвол бирдек эмас. Айниқса, кўпқаватли уйлар ён-атрофида дарахтларнинг камлиги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини давомида бу масалага алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда. Шу боис шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси вакиллари маҳаллалар оқсоқоллари билан ҳамкорликда ободонлаштириш режасини ишлаб чиқди. Саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган қисқа вақт мобайнида шаҳар бўйича ўн минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

В.ҚАРШИБОЕВА,
талаба.

Тошкент вилояти

КАЙВОНИ АЯ

ундан маҳалладошлари ташаббускор инсон, маслаҳатгўй онахон сифатида ибрат олишади

Муҳаррам ая Худойберганова Чирчиқ шаҳридаги Ҳайдар Мақсудов номли маҳалла фуқаролар йиғинида 20 йилга яқин фаолият юритиб, маҳалланинг ободончилиги, тинчтотувлиги учун катта ҳисса қўшди. Унинг ташаббуси билан маҳалла ҳудудидаги хонадонлар шаҳарда биринчилардан бўлиб газлаштирилди. Кўчаларга асфальт ётқизилиб, симёғочлар ўрнатилди.

Бу каби ободонлаштириш ишларидан сўнг тиниб-тинчимас Муҳаррам ая янги ташаббуслар билан чиқди. Тез орада йиғин фаоллари ҳамда саховатпеша ҳомийлар ҳиммати билан маҳаллада оталар чойхонаси ва дўкон қад ростлади. Натижада бир неча киши иш билан таъминланди. Муҳаррам ая бошчилигида амалга оширилган хайрли тадбирлардан яна бири Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб маҳаллада "Хотира майдони"нинг бунёд этилганидир. Ушбу майдон ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунида маҳалла аҳли билан гавжум бўлади, ўтганлар руҳи ёдга олиниб, дуои фотиҳа ўқилади.

Муҳаррам ая маҳаллада ўтказиладиган ҳар бир тадбир, тўю маросимга бош-қош, маҳалла аёлларининг маслаҳатгўйи. Боиси, ая ҳаётини маҳалла аҳлининг ғам-ташвишларисиз, ҳурсандчиликларисиз тасаввур этолмайди, уларга шерик бўлишга, қўлидан келганча ёрдам беришга интилади. Унинг ташаббуси ва ҳомийларнинг моддий кўмаги билан маҳалладаги якка-ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд фуқаролар республикамизнинг тарихий шаҳарларини, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиб қайтишди.

Айни пайтда Муҳаррам аянинг намунали ҳаёт йўли ва фаолиятидан маҳалла ёшлари ибрат олмоқдалар.

Дилбар КОМИЛОВА,
Саида ЗУННУНОВА

ОҚҚЎРҒОНДА ОРОМГОҲ

эҳтиёжмандларга бепул хизмат кўрсатмоқда

Оққўрғон шаҳрига йўли тушган киши Уста Нормат оромгоҳига бир кириб ўтмаса, армонда қолиши аниқ. Шамалак анҳори бўйида жойлашган ушбу сўлим масканда 300 ўринга мўлжалланган тўйхона, чойхона ва ошхона мижозлар хизматида. Мазкур иншоот бундан беш йил бурун тадбиркор Ғаффор Норматов томонидан қуриб, фойдаланишга топширилган эди.

Эндиликда нафақат шаҳар, балки туман аҳли ҳам оилавий ва байрам тадбирлари, турли маросимларни шу ерда ўтказишга одатланишган. Қувонарлиси, бундай тадбирлар ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга ёрдам тариқасида бепул ўтказиб берилмоқда.

— Барча оққўрғонликлар оромгоҳ фаолиятидан мамнун, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Раҳимжон Нуралиев. — Саховатпеша тадбиркор ва мулкдорларимиз қанча кўпайса, шаҳримиз, маҳаллаларимиз янада обод бўлиб бораверади.

Айни пайтда оққўрғонлик яна бир тадбиркор Умар Аҳмедов томонидан маҳалла гузари барпо этилмоқда. Ушбу гузар ишга тушгач, қўшни Султонобод, Ўзбекистон ва Бирлик маҳаллалари аҳолисига ҳам хизмат кўрсата бошлайди. Гузарда бир вақтнинг ўзида чойхона, тўйхона, савдо дўконлари, сартарошхона, пойафзалларни таъмирлаш устахонаси, дорихона ва стоматология клиникаси ҳам иш бошлайди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Ёшлар ҳаёти

Андижон вилояти

"ВАТАНПАРВАР" — МАҲАЛЛАДА

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Хонобод шаҳар кенгаши Мустақиллик маҳалласининг доимий ҳамкори ва ҳомийларидан бири саналади.

— Кенгаш томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ёрдам маҳалладошларимизни беҳад мамнун этмоқда, — дейди маҳалла оқсоқоли Маҳкамбой Йўлдошев. — Кенгаш жорий ўқув йили бошида серфарзанд ва кам таъминланган оилалар фарзандларини мактаб формаси, ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминлашга ҳомийлик қилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳам мурувватдан четда қолмаяпти.

Кенгаш раиси Тўлқинжон Қорабоевнинг ташаббуси билан маҳалла ёшлари учун ҳаво милтиғидан отиш секцияси ташкил этилди. Айни пайтда секцияда олтмишдан зиёд йигит-қиз мерганлик бўйича маҳорат оширмоқда. Муассасага қарашли ўқув спорт-техника клубида эса йил бошидан буён 150 дан ортиқ ёшлар "В" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлди.

Таъкидлаш зарурки, кенгаш ходимлари "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлинмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида тарбиявий, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бундай ишлар кўламини йилдан-йилга кенгайтириб бориш режалаштирилган.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Фаоллар фуқароларга ибрат

Тошкент шаҳри

ШАРҚ ЮЛДУЗИни юзага чиқарганлардан бири

хайрли ташаббуслари учун ҳуқуқшунос олимни маҳалладошлари шундай таърифлайдилар

Шарқ юлдузи маҳалласи Тошкентда 1966 йилда рўй берган зилзиладан кейин ташкил топган. Бунгача ҳозир маҳалла жойлашган ҳудуд катта ариқ ва зовурлардан иборат бўлган экан. Мана, энди Шарқ юлдузи пойтахтнинг энг чиройли ва илғор маҳаллаларидан бирига айланган. Учтепа туманида жойлашган ушбу маҳалланинг ўз номига монанд қиёфа касб этишида кўпчиликнинг, айниқса, элт-юрт равнақига дахлдор, ҳар қандай юмушга ғайрат-шижоат билан астойдил бел боғлайдиган фидойи, жонкуяр инсонларнинг меҳнати кўп ва хўп сингган.

Маҳалла ташкил этилган даврда унга Одила Умархўжаева раис этиб тайинланган. Ташкилотчи ва меҳнаткаш бу аёл йиғин ишини қарийб ўттиз йил мобайнида бошқариб келди. Одила опага маҳалла-кўй ишида кўп йиллар ҳамнафас, ҳаммаслак бўлган кишилардан бири Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Ҳабибулла Абдуалиевдир. Ҳабибулла ака айни кунда ҳам Шарқ юлдузи ҳаётида рўй бераётган бир қанча хайрли ва қувончли тадбирларнинг ташаббускори бўлиб келмоқда. Кейинги йилларда ҳашар йўли билан барпо этилган идора биноси, новвойхона, чойхона ана шу ташаббускорлик самараси.

Маҳаллада икки минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Маҳалладошларни доимий равишда иссиқ нон билан таъминлаш муаммоси ҳам Ҳ.Абдуалиев бош-қошлигида қурилган новвойхона ишга тушиши билан ҳал бўлди-қўйди. Турли маросимлар, тўю тантаналарда ҳам қўшни маҳаллалардан нон ташиб келишга ҳожат қолмади.

— Ҳабибулла ака сингари жонкуяр инсонлар кўмагисиз йиғин ходимлари ва раисининг ишда катта ютуқларга эришиши, халқона айтганда, юзага чиқиши қийин, — дейди айни кунда Шарқ юлдузи маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тўлаган Азизов. — Қувонарлиси, бундай инсонлар маҳалламизда анчагина. Масалан, Аширмат Авазматов, Маҳмуд Қодиров, Анвар Алимов, Лаъли Рўзиева, Ҳикмат Расулов, Жамол Муродов каби фаолларимиз борки, уларнинг саъй-ҳаракати билан маҳалламиз ободлиги, маҳалладошларимиз турмуш фаровонлигига ғов бўлаётган ҳар қандай муаммога барҳам бериш мушкул эмас. Ҳабибулла аканинг ўзига хос жиҳати шундаки, у киши ўз ўрнида бўлмаган, тартиб-қоида доирасидан чиққан ҳар қандай ҳолат, ҳаттоки буюмга ҳам бефарқ эмас. Балки бу кўникма у кишининг кўп йиллар ҳуқуқшунос олим сифатида фаолият юритгани сабабли шакллангандир, ҳарҳолда, Ҳабибулла ака токи ҳар қандай муаммони ижобий ҳал қилмагунча ҳаловат топмайди. У кишининг ана шу хислати — фаол фуқаролик позицияси маҳалладошларни ҳамжиҳат бўлишга ундаб туради.

Ҳ.Абдуалиевнинг маҳалла аҳолиси ҳуқуқий билимини кенгайтириш борасида қўллаётган чора-тадбирлари айниқса, таҳсинга лойиқ. У киши маҳалла аҳли, ёшларини жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, маърифий тадбирлар ташкил этиб, бу тадбирларда ҳуқуқшунос олимлар, соҳа мутахассислари иштирокини ҳам таъминлайди.

Бундан ташқари, аҳолига ҳуқуқий кўмак бериш мақсадида маҳаллада "Юридик маслаҳатлар хонаси" очилган бўлиб, ҳафтанинг маълум кунларида аҳолига бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатилади. Бу хонани Ҳабибулла ака шахсий маблағи ҳисобидан қурдирган. Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик ишлари кетаётган айни кунларда маслаҳатхона ҳудуддаги сайловчилар учун ўзига хос сайлов саводхонлиги масканига айланган.

Ҳабибулла Абдуалиев ярим асрдан буён ҳуқуқшунослик борасида ёшларга пухта билим бериб келади. Ҳуқуқшунос олим сифатидаги изланишлари самараси ўлароқ, 40 дан ортиқ илмий асарлари, монографиялари, ўқув қўлланмалари нашр этилган. Ҳабибулла ака, юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, тизим фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга доир илмий-назарий изланишларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Шарқ юлдузиликлар айни кунларда 75 ёшни қаршилаётган Ҳабибулла Абдуалиевни ўз касбига, ўз маҳалласига жонкуяр ва фидойи, сергайрат ва ташаббускор инсон сифатида бир-бирларига ҳамда ёшларга ибрат қилиб кўрсатадилар.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Йил дастури ижроси — амалда!

Тошкент шаҳри

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ногиронларни қўллаб-қувватлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва маиший қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган хайрли ишларга деярли барча ташкилот ва муассасалар, тадбиркорлар ва саховатпеша фуқаролар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шунингдек, тадбирларимизда бир қатор халқаро ташкилотларнинг иштирок этаётгани ҳам қувонарли ҳолдир.

КЎМАК МАРКАЗИ кўмак беришни бошлади

Яқинда Яккасарой туманидаги Ракат маҳалласи ҳудудида World Vision — дунё бўйлаб ижтимоий ривожланиш лойиҳаларини амалга оширувчи гуманитар ташкилот ёрдами билан бунёд этилган жисмоний имконияти чекланган болалар учун ҳашаматли Кўмак маркази биноси тантанали равишда очилди.

Ушбу халқаро ташкилот ваколатхонаси юртимизда 2003 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Ташкилотнинг махсус эҳтиёжли болаларга ёрдам бериш дастури Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Республика болалар ижтимоий мослашув маркази билан ҳамкорликда амалга оширилиб, ушбу дастурда ногирон болаларни жамиятга интеграция қилиш ва уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун зарур шароитларни яратиш ҳамда уларга ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, руҳий жиҳатдан кўмак бериш кўзда тутилган.

СУРАТДА: *тадбирдан лавҳа.*

— Кўмак марказида махсус эҳтиёжли болаларга моддий-техник жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ўзлари қизиққан соҳалар бўйича билим ва кўникма олишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди Ракат маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, марказ раҳбари Раҳима Абдуғаниева. — Ҳозирги кунда Кўмак маркази қошида туман хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бўлимлари, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси мутасаддилари ва ногирон болаларнинг ота-оналаридан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Ишчи гуруҳи марказ фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш, унга махсус эҳтиёжли болаларни жалб этиш масалалари билан шуғулланади.

Кўмак марказининг очилиш маросимида яккасаройлик ўн нафар ногирон болага ногиронлик аравачалари, Яккасарой маҳалласида истиқомат қилувчи Эргаш Бектошовга эса тикув машинаси берилди. Шунингдек, болаларга "Соғлом авлод" жамғармаси туман бўлимининг совғалари топширилди.

Ботир САНГИРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли».

Қашқадарё вилояти

ҚОРАЧИҚДА АКС ЭТГАН УМИД

кўнгли ўксик болажонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик нишонасидир

Мурувват уйи. Бу даргоҳга келишингиз билан қорачиқларида умид, ҳаётга чанқоқлик акс этиб турган болажонларга кўзингиз тушади. Тақдир ёзуғими, ёинки бахтсиз ҳодиса туфайли тўшакка михланган, ногирон бўлиб қолган болалар бугун тўлатўкис давлатимиз қарамоғида, меҳрибон ва ғамхўр тарбиячию энагалар ардоғида. Қарши шаҳридаги Мурувват уйи фаолияти билан танишар экансиз, бунга яна бир карра амин бўласиз.

Муассаса ҳовлисида катта қурилиш жадаллик билан олиб бориляпти. Мурувват уйи янги биносини қуриб битказишда Искандар Басидов бошчилигидаги талимаржонлик қурувчилар ғайрат билан ишламоқдалар. Вилоятдаги "Дунё-М" ҳамда "Қаштекст" каби йирик корхоналар бу ишга беминнат ҳомийлик қилишмоқда. Шунингдек, қурилишга давлат бюджети ҳисобидан 100 миллион сўм маблағ ажратилган. Мурувват уйида бугунги кунда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган 180 дан зиёд болажонлар ва ўсмирлар тарбияланмоқда. Нафақат вилоятимиз, балки республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларидан келган ногирон болаларга ҳам бу ерда ғамхўрлик кўрсатиляпти. Касаллиги, ёшига қараб муассасадаги мавжуд бешта бўлимда даволанаётган бу болаларнинг атрофида ҳамширалар, энагалар парвона.

Энага Норхол Ёмғирчиева, тарбиячи Дилрабо Шерқулова, шифокор Каромат Норчаева, ҳамшира Насиба Амирқуловаларнинг иш фаолиятлари ўрнак қилса арзигулик. Айниқса, шу муассасада тарбияланган, айни пайтда тарбиячи бўлиб ишлаётган Игорь Конинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Болаларга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, касбга бўлган фидойилиги, машаққатли меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ўтган йили Игорь Кон "Жасорат" медали соҳиби бўлди.

Мурувват уйида болаларнинг саломатликларини тиклаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур дори-дармонлар етарли. Болаларни эмлаш, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари рисоладагидек олиб борилмоқда. Бош ҳамшира Фотима Комилова эса бу ишларнинг барчасига бош-қош.

Спорт инсон саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериш билан бирга руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан Мурувват уйида тарбияланувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Мурувват уйи тарбияланувчилари 2003 йилдан буён ногирон болалар ўртасида ўтказиб келинаётган параолимпиа спорт мусобақаларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Муассасадаги ёзги ва қишки спорт залларида бундай мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрилади. Албатта, тарбиячилар, ҳамширалар болаларга бу жараёнда яқиндан ёрдам беришади. Бундай тадбирлар ҳаётнинг аччиқ қисматига шерик бўлган, оғир дардни-да мурғак юраклари билан мардонавор енгиб яшаётган болажонларга олам-олам қувонч бағишлаб, ўксик қалбларида умид куртакларини очади, яшашга завқ уйғотади. Ана шунинг учун тарбиячилар ҳам, болалар ҳам бундай мусобақаларга жондиллари билан тайёргарлик кўришади.

Бу даргоҳ тарбияланувчилари ҳам ўзларининг соғлом тенгдошлари каби шеър ўқиш, қўшиқ айтиб, рақсга тушишни ёқтиришади. Байрамлар, турли тадбирларда ўз маҳоратларини намойиш этишади. Ҳа, улар ўз дунёларида, ўз давраларида шодҳуррам ҳаёт кечиришади. Чунки ҳар бир инсон бу ҳаётда бахтли бўлишга, ҳаётдан завқ олишга ҳақли.

Феруза ҚОСИМОВА

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда қилаётган ишларингиз бесамар бўлаётгандек туюлиши мумкин. Лекин аслида ундай эмас. Шахсий муносабатларда аниқ бир қарорга келишингиз лозим бўлади.

СИГИР(22.04-20.05)

Айни кунларда содир бўладиган воқеаларга аралашмаганингиз маъқул. Уларни таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилинг. Молиявий масалада омад сизга кулиб боқади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Катта ишларни бошлашнинг айни вақти. Бу йўлда дастлаб бироз қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин. Аммо тез орада дўстларингиз кўмагида кўзлаган мақсадингизга эришасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Шу кунларда аввалдан режалаштирилган кўп ишларни амалга ошириш учун вақт тополмай қолишингиз мумкин. Бу албатта кайфиятингизга ҳам таъсир ўтказади.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Мазкур бурж вакиллари учун фаолиятда ҳаммаси кўнгилдагидек кечиши мумкин, бироқ оилавий муносабатларда сабр-тоқатли бўлганингиз маъқул.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ўзингизда мавжуд бўлган ижобий хислатларни намойиш қилиш учун оилада ҳам, ишда ҳам қулай имконият туғилади. Баъзи муаммоларни ҳал қилишда дуч келган одамга ишониб кетаверманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Сирларингизни ҳаммага ҳам айтаверманг. Акс ҳолда бундан ўзингиз зарар кўришингиз мумкин. Соғлиғингизга эътиборли бўлинг. Бунинг учун аввало тўғри овқатланишга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳафта бошида барча куч-ғайратингизни молиявий аҳволингизни ўнглаб олишга йўналтирганингиз маъқул. Қолган кунларда эса шахсий масалалар муҳокамаси билан банд бўласиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ушбу ҳафта қизиқарли воқеаларга бой бўлади. Уларнинг баъзилари эса ҳаётингиздаги катта ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳис-туйғуларингизни назорат қила билишни ўрганинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Айни кунларда қўл урган ҳар бир юмушингиз муваффақиятли тугаши кутилмоқда. Ишдаги жонбозлигингиз моддий жиҳатдан рағбатлантирилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Шу кунларда сизда янги-янги ижодий ғоялар пайдо бўлади. Уларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали яхши даромад орттиришингиз ҳам мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Сизнинг кайфиятингизни бузиш ҳаракатида юрганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис ҳар доим ўз имкониятингизга қараб иш тутсангиз фойдадан ҳоли бўлмайди, албатта.

Кўрик-танлов якуни

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ: ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШАДИ

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил бошида эълон қилинган "Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда энг намунали маҳалла" республика кўрик-танлови ўз ниҳоясига етди.

Мазкур кўрик-танлов жорий Ижтимоий ҳимоя йилида маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан кам таъминланган, ногирон, қария ва бошқа ёрдамга муҳтож фуқароларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ва ҳуқуқий-иқтисодий чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши даражасини аниқлаш ва бу борадаги илғор тажрибаларни юртимиз маҳаллаларида кенг оммалаштиришни кўзда тутган эди. Бу жараёнда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини, хусусан, йиғин қошида тикувчилик цехлари, турли касаначилик марказлари ёки кичик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиб, ундан келаётган даромад ҳисобидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тажрибалари инобатга олинди.

Ушбу кўрик-танлов натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, унда иштирок этган маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Хусусан, тадбиркор ва ишбилармонларни ҳомийликка жалб этиш, моддий-маънавий кўмакка муҳтож ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирларнинг нақадар кенг қулоч ёйгани таҳсинга лойиқдир.

Кўрик-танлов иштирокчиларининг фаолияти республика кўрик-танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, ғолиблар аниқланди. Унга кўра, олий ўрин Қарши шаҳридаги Қарлуғ боғот маҳалласи фуқаролар йиғинига насиб этди. Хусусан, мазкур маҳалла фуқаролар йиғини қошида "Мавлон бобо" номли фермер хўжалиги ташкил этилиб, шу ернинг ўзида маҳалла ҳудудида истиқомат қиладиган 100 нафар фуқаронинг иш билан таъминланганини қувонч билан айтиш мумкин. Шунингдек, ҳудудда ободонлаштириш, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар ҳам эътирофга сазовор.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, биринчи ўринни Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака номли маҳалла фуқаролар йиғини, иккинчи ўринни Бухоро вилояти Олот туманидаги Ўзбекистон ҳамда Фарғона вилояти Данғара туманидаги Ғумойли маҳалла фуқаролар йиғинлари эгаллади. Учинчи ўринга эса Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Бўстон, Хоразм вилояти Боғот туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги Кўкча-Оқтепа маҳалласи фуқаролар йиғинлари муносиб деб топилди.

Ғолиб маҳалла фуқаролар йиғинлари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг диплом ва махсус совғалари билан тақдирланадилар.

МУХБИРИМИЗ

Эҳтиёткорлик — шарт!

Уловингиз созми?

носоз автомашина ҳаётингизга хавф солади

Сир эмас, кўпчилик фуқароларимиз хонадонларидаги электр симларини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатни транспорт воситаларини таъмирлашда ҳам кузатиш мумкин. Аслида, бизнинг мулоҳазаларимиз ҳам транспорт воситалари билан боғлиқ ҳолда рўй бераётган ёнғинлар ҳақида.

Транспорт воситалари билан боғлиқ ёнғинлар асосан, электр симларининг қисқа туташуви ва ёнилғи тизимидаги носозликлар туфайли келиб чиқади. Хўш, бу носозликлар қандай вужудга келмоқда? Бунинг сабаблари, биринчидан, автомобиль эҳтиёт қисмларининг эскириши ва ўз вақтида таъмирланмаслиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ўзимизнинг бепарволигимиз нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига омил бўлади. Ҳаттоки гоҳида транспорт эҳтиёт қисмларини бутунлай эскириб, яроқсиз ҳолга келгунга қадар ишлатамиз, устага мурожаат қилмасдан, ўзимиз тузатамиз. Оқибатда, "ортиқча" харажатдан қочиб, баъзида катта талофатларга йўл қўямиз.

Бир мисол, кўпчилик ҳолларда ҳайдовчиларимиз автомобиль карбюраторидан, унга уланган резина қувурлардан бензин оқаётганига эътибор қилишмайди. Ёки бензин сизиб чиқаётган жойини қўлбола усулда сим билан боғлаб қўйишади. Ваҳоланки, уни тузатиш учун махсус мосламалар бор-ку! Арзимасдек бўлиб кўринган бу ҳолат ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Мақсадимиз — ҳайдовчиларни оз бўлса-да, хушёрликка чорлаш, ёнғин туфайли содир бўлаётган фалокатларнинг олдини олишга ҳисса қўшиш. Зеро, юқоридаги каби нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш ўз хушёрлигимиз, эҳтиёткорлигимизга боғлиқ.

Абдурашид ТЎРАХОНОВ,
Тошкент шаҳри Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ инспектори.

Шоҳсупада...

ҒОЛИБЛАР ХИТОЙГА БОРИШАДИ

Қарши шаҳрида қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Унда мамлакатимиз вилоятларидан келган 350 нафардан зиёд спортчи икки кун мобайнида 20 та вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақада Қашқадарё спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Жамоа ғалабасини мусобақанинг олтин медалини қўлга киритган Аббос Жабборов, Ғиёсбек Боймирзаев, Отабек Убайдуллаев сингари курашчилар таъминлади. Иккинчи ўрин тошкентлик, учинчи ўрин эса фарғоналик спортчиларга насиб этди.

Чемпионат ғолиблари келгуси йилнинг февраль ойида Хитойда ўтказиладиган Осиё чемпионатига йўлланма олишди.

Пляж футболи, катта ва мини футбол бўйича мамлакат чемпионатида ғолиб чиққан Қарши шаҳрининг "Севинч" жамоаси қизлари Ўзбекистон кубоги баҳсларида ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

"СЕВИНЧ" — КУБОК ҒОЛИБИ

Абдураҳмон Юмангулов шогирдлари финалда рақиби "Андижанка" жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

— Бу йил жамоамиз учун омадли келди, — дейди моҳир ҳужумчи Маҳлиё Сариқова. — Биз мавсумдаги барча учрашувларни ғалаба билан якунладик.

Эслатиб ўтиш жоизки, "Севинч" аъзоларидан ташкил топган Ўзбекистон терма жамоаси Таиландда ўтказилган иккинчи Осиё ўйинларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, бронза медалига сазовор бўлган эди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

ОБУНА — 2008

Азиз муштарий! Сиз қадрдон ҳаммаслагингиз, фаолиятда ҳамкорингизга айланиб қолган "Mahalla" газетасига обуна бўлишни кечиктириб ўтирманг. Бугун "Mahalla"га обуна бўлишнинг айни вақти, эртага кеч бўлиши мумкин.

А.ҲАКИМОВ *чизган расм.*

ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

Ҳар қандай саволга жавоб бериш мумкин, фақат у тўғри берилса бас.

АФЛОТУН

Ёруғ дунё юзини кўргунингизга қадар бўлиб ўтган воқеалардан бехабар бўлсангиз, мангу ғўдаклигингизча қолаверасиз.

ЦИЦЕРОН

Буни қаранг: ғам-ғуссада ҳам шуҳратпарастлик нишони бор экан! Чунки биз ғам-қайғуга бўйсунмай, ҳасратимизни кўз ёшлар орқали кўз-кўз қиламиз.

СЕНЕКА

Ҳаёт эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам эмас. У эзгулик ва ёвузликни ичига олувчи бир омбордир. Уни ё эзгулик, ё ёвузлик омборига айлантирадилар.

МОНТЕН

Ҳаёт эзгулик қилиш учун инъом этилган. Мен эзгуликдан тўхтаган куним ҳаётимни "қайтариб бераман". Чунки сабаб тўхтаганда ҳаракат ҳам тинмоғи жоиз.

МОНТЕСКЬЕ

Гапуров Каҳрамон Абдукахарович номига 2007 йил 14 июнда якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш учун берилган 0905696 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Ахмадиев Азиз Абдувалиевич номига Тошкент шаҳри ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Яккасарой тумани У.Носир кўчаси 91-уйга 2007 йилда кадастр ҳужжатига берилган 5-114/2007 рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный гос. ордер № 09-01/7321 от 28.01.2004 г. о праве собственности на квартиру на имя Болисова Бахт Нуртаевича считать недействительным.

Утерянное лицензия на торговлю непродовольственными товарами ВВ № 016392 выданное Чиланзарским хокимиятом на имя Арипова Ахметжана считать недействительным.

Утерянный аттестат Г № 979042 выданый 1986 г. ср. школой № 213 г.Ташкента на имя Ким Инна Инокентиевны считать недействительным.

«Ипотекабанк» АТИБ С.Раҳимов тумани филиали жамғарма кассалар бўлимига қарашли жамғарма кассадан IPB 1011026 рақамли 0402005 (Ф-430) уч нусхадан иборат бўлган бир дона квитанция йўқолганлиги ва жамғарма касса ҳисобидан чиқарилганлиги сабабли бекор ҳисобланасин.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **136-53-93**
Тел/факс: — **133-44-25**
Масъул котиб: **136-53-75**
Котибият — **136-55-69**
Хатлар бўлими: **136-57-62**

2007 йил 5 декабрь 49 (599)

10316 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1121 Топширилди — 22.10
2 3 4 5 6